

Бўри билан тулки иккови дўст тутинган экан. Бир куни тулки бўрининг олдига келибди, бўри жуда очикиб турган экан, тулкига караб:

— Э, дўстим тулки, яхши келдинг, кани юр, мени бирор жойга олиб бор ва корнимни тўйгазиб, хурсанд килиб келгин, — дебди.

Тулки «хўп» дебди-ю, олдинга тушиб, кетидан бўрини эргаштириб кетаверибди.

Бориб-бориб, улар бир ерда тўйга кетаётган етти-саккизта хотинга йўликибдилар.

Хаммасининг кўлида тугилган дастурхон бор экан. Шунда тулки бир юмалаб бедана бўлибди ва халиги хотинларнинг олдига тушиб йўргалай бошлабди.

Уни бир хотин кўриб:

— Ие, анови беданани каранглар, уни мен боламга тутиб бераман, —дебди-да, кўлидаги дастурхонга ерга кўйиб, беданани кува кетибди, улар оркасидан яна бири кувлабди.

Шундай килиб, хотинларнинг хаммаси кувиб кетаверибди. Тулки бўлса, уларнинг олдига тушиб йўргалайверибди. Хотинлар етай-етай деганда, «пирр» учиб, яна бир томонга тушар эмиш. Шундай килиб тулки буларни алдаб эргаштириб кетаверибди.

Бўри бўлса, тугунлар ичидаги овкатларни маза килиб еб, корнини тўйдириб жўнабди. Хотинлар беданага етолмай чарчаб, йўлдан кайтиб келишса, тугунлар куп-курук эмиш. «Вой шўримиз курди, «Ойимбуви овга чикди, кетидан говга чикди» дегандай, бу нимаси экан!» деб дод деганларича колаверишибди.

Тулки айланиб борса, бўри бир жойда дам олиб ётган эмиш.

Тулки бўрига караб:

— Ха, ўрток, — дебди.

Бўри унга:

— Ха, корним жуда хам тўйиб кетди, дам олиб ётибман, — дебди.

Эртаси куни тулкига бўри шундай дебди:

— Ўрток, кеча мени жуда хурсанд килиб юбординг, энди бугун сал хафа килиб кўйгин.

Бунга жавобан тулки:

— Хўп бўлади, кани юр бўлмаса, — деб бўрини бир бокка бошлаб борибди.

Богнинг девори тагида бир омбор бор экан, шу омбордан икковлари сикилиб зўрга ичкари киришибди. Карапса, хамма ёк узумга тўлиб-тошган, хеч ким йўк эмиш. Вактни ганимат билиб, иккиси узумхўрликка зўр берибди. Бир вакт тулки корнини обдан тўйдириб, икки дона гужумни иккала бурнига тикиб, бўрининг олдига борибди:

— Э дўстим, мана мен жудаям тўйдим, азбаройи тўйганимдан узум бурунларимдан чикиб кетди. Бўл, яхшилаб еб, обдан тўйиб ол, — дебди.

Бўри шошиб-пишиб еяверибди. Ахири корни шишиб кетибди, лекин бурнидан чикмабди.

— Кани, бурнимдан чикмади-ку? — дебди у. Тулки бўрининг тумшугини кўтариб караб:

— Ху ана, кўриниб колибди, яна бир оз есанг чикади, — дебди.

Бўри яна еяверибди, корни роса кўпчиб, ахири ўзини тутиб туролмай ётиб колибди.

Тулкига ана шугина керак экан. У, югура бориб, деворга чикибди-да:

— Узумга ўгри кетде-е-е, узумга ўгри кетде-е-е! — деб кичкирибди.

Унинг товушини бoggон эшитиб, сўйил кўтариб келиб колибди. Бўри лапанглаб бориб, бояги омборга сукилган экан, сигмабди. Деворга тирмашса, чиколмабди. Бoggон уни ўласи килиб савалабди, бўрининг еган узумлари оғиз-бурнидан чикиб, ахирида калтак зарбидан сулайиб колибди. Бoggон бўрини ўлдига чикариб, ташлаб кетибди. Бир вакт

бўри хушига келибди. Караса, омбор оғзида ётган эмиш. Ёнида хеч ким йўқ эмиш, тура солиб девордан ошиб, бир чеккада инграб ётаверибди.

Бир вакт тулки келибди, бўрини кўриб, ундан:

— Ха, дўстим, нима бўлди? — деб сўраган экан, бўри базургина инграб:

— Ха, дўстим бўлмай ўл. Бир оз хафа килиб кўйгин десам шунча хафа киласанми? — дебди,

Тулки:

— Биродар, бог эгасининг сени бунчалик уришини кайдан билай? — дебди.

Бўри юролмасдан шу ерда колибди. Тулки кетибди.

Эртаси куни тулки ўйнаб юрган экан, бир жойда катта тош ётган эмиш, унинг ёнида бир кўйнинг карт думбаси хам бор эмиш. Унга караб тулки: «Бунда бир сир бўлса керак.

Олдин уни ўзим емайину, бўрини рўпара килайин», дебди. Кейин бўрининг олдига бориб:

— Ўток, корнинг калай? — деб сўраган экан, бўри:

— Корним оч, — дебди. Тулки:

— Бўлмаса мен бир кўй сўйиб, гўштини едиму, ёги колди. Бориб сен шуни есанг-чи, — деганда, бўри:

— Бу гапинг жуда маъкул, чунки кечаги калтакдан ичак-багрим узилиб, халигача хеч нарса еганим йўқ эди, — дебди.

Булар иккиси бир томонга караб жўнашибди. Бир жойга борганда, тулки узокдан туриб ёгни кўрсатибди. Бўри:

— Юр, бирга борамиз, — дебди. Тулки:

— Кўй, мени овора килиб юрасанми, ўзинг бориб еб кела кол, — деб бормабди.

Бўри бориб караса, кўйнинг карт думбаси ётган эмиш. Шошилиб бориб тишлаб тортган экан, «парт» этиб, тумшугидан копконга илинибди. Шунда тулки югурга келиб, хадеб ёғн яверибди. Узокдан буни кўриб турган овчи то югуриб келгунча тулки кочиб кетибди.

Овчи келиб караса, копконга илинган бўри экан.

— Ие, мен тулки десам, сен экансан-да, — деб бўрини обдан калтаклаб, кейин бўшатиб юборибди.

Бўри бундан кутулиб корни оч кетаётган экан, йўлда бир кўзини учратибди, унга караб:

— Хой кўзи, сени ейман! — дебди. Кўзи кўрка-писа:

— Э таксир, олдин сиз Карим бобонинг тузидан олиб келинг, чунки гўштим жуда бемаза, — дебди.

Шунда бўри: «Хўп бўлади» деб туз ахтариб кетибди, унгача кўзи кочиб колибди. Бўри келиб караса, кўзи йўқ эмиш. Хайрон бўлиб бораётса, бир жойда бир хўroz турган экан. Бўри бориб:

— Хой хўroz, сени ейман! — дебди. Хўroz унга:

— Бўлмаса, олдин бир зира-пиёз килайлик, мени ундан кейин енг. Бунинг учун сиз аввал пичок топиб келинг, мен зира билан пиёз келтирайин, — дебди.

Бўри пичок кидириб кетибди, хўroz пайтдан фойдаланиб, бир томонга кочиб кутулибди. Бўри пичокни олиб келсаки, хўroz йўқ эмиш. Ноилож яна кетаверибди.

Юриб-юриб бир жойга борса, бир хачир турган эмиш. Унга караб:

— Хой хачир, сени ейман! — дебди. Хачир:

— Агар мени емокчи бўлсангиз, аввал юз марта минасиз кейин есангиз майли, отам шундай деб васият килган эди, — дебди.

Бўри хачирнинг шартини ўрнига кўйиш учун тўрт марта минибди, бешинчи минишида

хачир бўрини кўш оёклаб тепибди. Бўри чалканчасига йикилибди. Хачир кочганича кетаверибди. Бўри ўрнидан туриб, бир жойга борибди, караса, от ўтлаб юрган эмиш. Бўри отга караб:

— Хой от, сени ейман! — дебди. От бўрига:

— Бўлмаса, менинг кейинги ўнг оёгим туёгига отам ёзиб кетган икки энлик хатни ўкиб кейин егин, — дебди.

Бўри, отнинг оркасига ўтибди, от түёгини кўтариб турибди. Бир вакт бўри якинига келганида, от уни бир тепган экан, бўрининг тишлари мажак-мажак бўлиб, ўзи анча нариги бориб тушибди. От кочиб кетибди.

Шу онда тулки етиб келибди. Караса, бўрининг оғзи-бурни кип-кизил конга белангандарни ўнди. Шунда тулки ундан:

— Ха, дўстим, сенга нима бўлди яна? — деб сўрабди.

— Ха, нимасини сўрайсан, ишлар шундай-шундай бўлди, — деб бўри хамма воеани айтиб берибди. Шунда тулки дебди:

«Кўрдинки — кўзи, еб кўйгин,
термилиб колсин икки кўзи.

Сенга ким кўйибди.

Карим бобонинг тузи?

Кўрдингки — хўroz, уриб бўйини ёз,
сенга ким кўйибди зира билан пиёз?

Кўрдингки — хачир, уриб бўйини гажи,
сенга ким кўйибди мин хачир.

Кўрдингки — от, еб устида ёт,
сенга ким кўйибди мирза буваликни?»

Бўри тулкидан таъзир еб, индамай туриб кетаверибди, нариёкка борган экан, иккита овчи буни кўриб колиб, кува кетибди. Бўри кочиб бораётганда йўлда бир одам кўш хайдаб юрган экан. Бўри бориб кўшчига ялинибди:

— Жон амаки, мени шу овчилардан саклаб колинг. Кўшчи: «Хўи бўлади», деб бўрини катта канорга солиб кўйибди. Бир вакт овчилар етиб келиб кўшчидан: «Бўри ўтдими?» деб сўрабдилар. «Ха, ўтиб кетди» дебди кўшчи. Овчилар кетгандан кейин бўри канордан чикиб, кўшчига:

— Хой кўшчи, сени ейман! — дебди. Кўшчи:

— Э, бу кандай гап ахир, мени сени ўлимдан куткариб олсаму, мени ейсанми? — деса, бўри:

— Яхшиликка ёмонлик, — дер эмиш.

Шунда кўшчи ялинибди, бўри сира хам унамабди. Булар бундай можаро килиб турган экан, тулки етиб келиб, кўшчидан:

— Ха, нима гап? — деб сўрабди.

Кўшчи бўлган воеани тулкига бирма-бир айтиб берибди.

Тулки бўрига караб:

- Мен сенинг шу канорга сиғишингга ишонмайман: ўзинг сигсанг хам думинг сигмайди,
- дебди. Бўри унга:
- Йўқ, сигдим, — дебди. Тулки:
- Бўлмаса кани, кириб кўр-чи, — деган экан, бўри:
- Мана бўлмаса, — деб канорга кирибди. Тулки қўшчига имлаб, канор оғзини боғлашга буюрибди. Кўшчи канор оғзини махкам боғлабди. Шундан сўнг қўшчи тулки иккиси биттадан иккита сўйил олиб, бўрини ура-ура ўлдиришибди.